

Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 336 (575.1) + 336.27

*Куллубек*

**Куллиев Истам Янгимуродович**

**КРЕДИТ БАҲОСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»**

**Иқтисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

336(043.3)

К-90

Диссертация иши Тошкент Молия институтида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
Абдуллаева Шарбат Зулфикаровна.

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори  
Бобакулов Тулқин Ибодуллаевич;  
иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Тоймухамедов Иброҳим Рихсибоевич.

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Марказий  
банки.


Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси хузуридаги  
иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар  
ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг  
2010 йил «21» май соат «16<sup>00</sup>» да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация иши билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия  
академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил «19» апрел да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган  
кенгаш илмий котиби, н.ф.н.

7. М.  Ф.И. Мирзаев

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти талаблариغا мос келувчи банк тизими шакллантирилиб, тижорат банкларининг молия бозоридаги воситачилик роли мустаҳкамланди. Ўз навбатида, тижорат банкларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш, улар фаолиятини халқаро банк амалиёти андозаларига яқинлаштириш ва пировард натижада, банкларнинг ички ва халқаро молия бозорларида рақобатбардошлигига эришиш бўйича институционал-ҳуқуқий асослар яратилди.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига 2010 йилда кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 баробар кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробар ошириш...»<sup>1</sup>, тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари кредитлари ва улар баҳосининг хўжалик субъектлари манфаатларига мос келиши, кичик бизнесни кредит бериш ҳисобидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва «...бу ёрдамни замонавий ривожланган банк тизими орқали, ишлаб чиқариш корхоналарига фоииз ставкалари унча юқори бўлмаган кредитлар ажратиш йўли билан амалга ошириш»<sup>2</sup> жуда муҳимлигини таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, кредит баҳосининг асосланган ва оптимал шаклланиши кредитор ва қарз олувчининг манфаатли шерикчилиги юзага келишига, кредит муносабатлари самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Мамлакатимизда кредит муносабатларини ҳар иккала томон учун ҳам манфаатли бўлишини таъминлаш бўйича қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, миқозларга тақлиф қилинадиган кредитлар баҳосини шакллантириш борасида мавжуд номувофиқликлар ва бу соҳадаги банк фаолиятини ҳар томонлама тараққий эттириш зарурияти банк ишини ривожлантиришнинг долзарб жиҳатларидан ҳисобланади.

Айни вақтда кредитнинг реал баҳосини шакллантиришда банклар томонидан ресурсларни жалб қилиш, уларни жойлаштириш, кредит бериш ва уни қайтариш жараёни билан боғлиқ харажатларнинг тўлиқ инobatга олинмаслик ҳоллари мавжуд.

Маълумки, банклар пул маблағлари ҳаракатида воситачилик килувчи ташкилот сифатида жалб қилинган ресурсларни юқорирок фоииз ставкасида миқозларга тақлиф қилади ва шундан фойда кўради. Аммо банклар амалиёти тахлили шунини кўрсатадики, тижорат банклари кредитларининг фоииз ставкаси билан аҳолининг муддатли омонатлари фоииз ставкалари ўртасида салбий фарқ мавжуд, яъни тижорат банклари томонидан юқори фоиизда маблағларни жалб қилиб, паст фоииз ставкаларида уларни миқозларга тақдим қилиш ҳолатлари кузатилади. Агар 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредитларининг ўртача фоииз ставкаси 16,4 фоиизни ташкил этган бўлса, аҳолининг банклардаги муддатли омонатларининг ўртача йиллик фоииз

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазирамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – Б. 58.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга қарам бўлмайди. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2005. – 448 б.

ставкаси 17,4 фоизни ташкил қилди<sup>3</sup>. Ҳолбуки, халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъёрий андозалар бўйича тижорат банклари кредитлари билан депозитлари бўйича фоиз маржаси 4,5 фоиз бўлиши керак<sup>4</sup>.

Тижорат банкларида кредитлар бўйича баҳонинг ҳаққоний, реал шаклланмаслиги, авваламбор, банкларнинг кредит сиёсати самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади.

Оқоридагилардан келиб чиқиб, тижорат банкларида кредитнинг реал баҳосини шакллантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишнинг зарурлиги мавзунини мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганиш заруриятини юзага келтиради ва ушбу ишнинг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тижорат банкларида кредит баҳоси ва уни шакллантиришнинг айрим жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан Л.Батракова, Г.Белоглазова, Ж.Кейнс, О.Лаврушин, Д.Полферман, И.Фишер<sup>5</sup>ларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида банкларда кредит баҳосини шакллантиришнинг баъзи назарий ва амалий жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ш.З. Абдуллаева, Б.Т. Бердияров, Т.И. Бобакулов, Х.А. Тўхсанов, Т.М. Қоралиев<sup>6</sup>ларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Шу билан бирга, иқтисодиётни модернизациялаш ва ривожлантириш, банклар фаолиятини эркинлаштириш шароитида кредит баҳосини шакллантириш ва уни такомиллаштириш масалалари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан яхлит, комплекс тарзда махсус илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Илмий иш Тошкент Молия институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

**Тадқиқот мақсади:** тижорат банкларида кредит баҳосини шакллантириш ва уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

<sup>3</sup>Муллажонов Ф.М. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2009 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2009. – №1. – Б. 14-23.

<sup>4</sup>Жаҳон банки экспертлари томонидан тавсия этилган.

<sup>5</sup>Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Прогресс, 1978. – 34 с.; Полферман Д., Форд Ф. Основы банковского дела. Пер.с англ. – М.: Инфра – М, 1996. – 476 с.; Батракова Л. Анализ процентной политики коммерческого банка - М.: «Ульяновский дом печати», 2000. – 152 с.; Банковское дело: учебник. Лаврушин О.И., Мамонова И.Д., Валенцева Н.И. и др.: - 7-е изд; перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2008. - 577 с.; Fisher I. Elementary principles of Economics - New-York, 1923. – 370 p.

<sup>6</sup>Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банклари кредит портфелини диверсификациялаш. И.ф.д. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 33 б.; Бердияров Б.Т. Тижорат банклари активларининг даромадлиги. И.ф.н. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент, 2002. - 17 б.; Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. И.ф.д. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 36 б.; Тухсанов Х.А. Процентная политика банков и вопросы регулирования в условиях рыночной экономики. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Ташкент, 2005. – 20 с.; Қоралиев Т.М. ва бош. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш. – Тошкент, 2008. – 187 б.

### **Тадқиқот вазифалари:**

- кредит баҳосини шакллантиришнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш ва кредит баҳосининг шаклланишига хос бўлган хусусиятларни аниқлаш;

- кредит баҳоси шаклланиши бўйича хориж тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва улардан Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида ижодий фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кредитлар баҳоси шаклланиши ва унга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- тижорат банкларида кредит баҳоси шакллантирилишини такомиллаштириш борасида мавжуд бўлган муаммоларни аниқлаш;

- тижорат банкларида кредитларнинг реал баҳосини шакллантириш ва уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб Ўзбекистон Республикасининг йирик тижорат банклари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети тижорат банклари кредитлаш амалиётида юзага келадиган кредит муносабатларидан иборат.

Тадқиқот методлари: гуруҳлаш, таркибий ва қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув ва эксперт баҳолаш усуллари.

Тадқиқот гипотезаси: тижорат банкларида миқдорлар тоифалари ва кредитлаш усулларига мувофиқ кредит баҳосини шакллантириш тижорат банклари кредитларининг реал баҳосини шакллантириш имконини бериши мумкин.

### **Ҳимоюга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- кредит фоизи ва кредит баҳоси ўртасидаги фарқли жиҳатлар аниқланди, кредит фоиз ставкаларини таснифлашнинг такомиллашган варианты ишлаб чиқилди;

- тижорат банкларининг кредит операциялари бўйича олинган дисконти даромадларини ҳисоблашда касса усулига нисбатан ҳисоблаш усулини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди ва амалиётда қўллашга тавсия этилди;

- тижорат банкларининг жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётида кредит фоиз ставкаларининг ижобий даражасини таъминлаш таклифи асосланди;

- тижорат банкларида миқдорлар тоифалари ва кредитлаш усулларига мувофиқ кредит фоиз ставкаларини шакллантириш тавсия этилди;

- республикамиз тижорат банкларида кредит фоиз ставкалари ўзгаришининг прогноз кўрсаткичлари таклиф этилди.

### **Илмий янгилиги:**

- кредит баҳосига оид назарияларнинг қиёсий таҳлили асосида тижорат банклари кредитлари баҳосининг шаклланишига хос бўлган хусусиятлар асослаб берилди;

- хорижий мамлакатлар банкларида кредит баҳосини шакллантириш тажрибасидан Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида ижодий фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- эксперт сўровномалари асосида тижорат банкларида кредит баҳоси шаклланишига таъсир қилувчи асосий омиллар Дельфи усули орқали баҳоланди;

- республикамиз тижорат банкларида кредитлар баҳосини шакллантириш учун хос бўлган тенденциялар аниқланди;

- тижорат банклари кредитларнинг баҳосини шакллантириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий-амалий аҳамияти шундаки, диссертацияни ёзиш жараёнида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан республикамиз тижорат банкларида кредит баҳосини шакллантириш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Пул, кредит ва банклар», «Банк иши» ва «Кредит механизми ва унинг элементлари» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот жараёнида олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялар ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» (2009 йил 3 июлдаги 12-сонли далолатнома) томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган. Диссертация натижаларидан Тошкент Молия институтида «Банк иши», «Пул, кредит ва банклар» ва «Кредит механизми ва унинг элементлари» (2009 йил 21 майдаги 8-сонли маълумотнома) фанлари ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг асосий гоя ва натижалари «Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари» (Тошкент, 2006), «Социально-экономические закономерности развития мирохозяйственных связей в условиях интеграционных процессов» (Москва, 2006), «Развитие розничного банковского бизнеса» (Ташкент, 2007), «Дальнейшее углубление реформ в банковско-финансовой системе Узбекистана» (Москва, 2007), «Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане» (Москва, 2008) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент Молия институти бирлашган илмий семинари ва Банк-молия академияси хузуридаги ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши натижалари бўйича 10 та илмий мақола ва тезислар нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Диссертация матни 128 бетни ташкил этиб, 22 жадвал, 8 расм ва 3 та иловани ўз ичига олган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тижорат банклари фаолиятининг натижалари ва банklar томонидан иқтисодийёт тармоқларига йўналтириладиган кредитларнинг ҳажми уларга белгиланадиган баҳо даражасига боғлиқ бўлади. Шу боис, тижорат банклари фаолиятида кредитнинг баҳосини тўғри шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий лўғатда кредит баҳоси кредитдан фойдаланилганлик учун фоиз тўловлари йиғиндиси сифатида қайд этилган. Айнан шу манбада яна кредит фоиз ставкаси бу кредиторнинг ссудадан фойдаланганлиги учун қарздордан оладиган тўлови эканлиги ҳамда фоиз миқдори банк томонидан ўрнатилиши кўрсатилган<sup>7</sup>. Аммо кредит баҳосининг шаклланиш жараёни ва унинг бошқа элементлари хусусида фикрлар билдирилмаган.

Классик назарияда фоиз ставкаси ва унинг меъёри ҳақида Ж.Кейнс: «Фоиз меъёри бозорда капиталдан фойдаланганлик учун тўланадиган баҳо сифатида аниқланади»<sup>8</sup>, деган фикрни билдирган. Муаллиф томонидан фоиз ставкасининг макроиқтисодий жиҳатдан шаклланиш механизми ўрганилган ва иқтисодийётдаги инвестицион жараёнларга бевосита таъсир этиш қобилиятига эга эканлиги асослаб берилган. Шу билан бирга, банklarда кредит баҳосининг шаклланиши ва кредитлаш жараёнида ички омилларнинг кредит баҳосига таъсири етарлича тадқиқ қилинмаган.

Америкалик иқтисодчи И.Фишер фоиз ставкасига куйидагича таъриф беради: «...биз фоизнинг меъёрини фоиз мукофоти сифатида аниқлаймиз, у пулда ифодаланган бўлиб бир йилдан сўнг тўланиши керак»<sup>9</sup>. Бундай ёндашув кредит баҳосининг мазмунини тўлақонли очиб бера олмайди. Чунки бу ерда кўпроқ ссуда капитали харакати туфайли юзага келувчи фоиз мукофотига эътибор берилган, аммо тижорат банklarида кредитлаш жараёнига ва кредитнинг хусусиятларига эътибор қаратилмаган.

Шунга ўхшаш фикрни россиялик иқтисодчи олим О.И. Лаврушиннинг тадқиқотларида учратиш мумкин. У «Ссуда фоизи ссудадан вақтинчалик фойдаланишдан олинадиган ўзига хос тўлов ҳисобланади»<sup>10</sup>, деган фикрни билдириб, ссуда фоизининг таркибий қисми сифатида банк фоизига алоҳида урғу берган, унинг фаркли жиҳати сифатида кредит муносабатларида банк иштирок этишини таъкидлаб, кредит баҳосининг микродаражада ва макродаражадаги омиллар таъсирида шаклланишини таҳлил этишга ва уларни гуруҳлашга ўз эътиборини қаратган.

Кредит баҳоси ва кредит фоиз ставкалари хусусида мамлакатимиз иқтисодчи олимлари қарашлари муҳим ҳисобланади. Жумладан, кредит

<sup>7</sup> Борисов А.Б. Большой экономический словарь. Издание 2-е; переработанное и дополненное. – М.: Книжный мир, 2006. – 860 с.

<sup>8</sup> Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Прогресс, 1978. – С. 34.

<sup>9</sup> Fisher I. Elementary principles of Economics – New-York, 1923. – 370 p.

<sup>10</sup> Банковское дело: Учебник. Лаврушин О.И., Мамонова И.Д., Валенцева Н.И. и др.; - 7-е изд.; перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2008. – 577 с.

баҳоси ва унинг шаклланиши хусусида Ш.З. Абдуллаеванинг қарашлари илмий асосланган ва аниқ йўналишга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Ш.З.Абдуллаева кредит баҳосини белгилашда кредит маблағларининг баҳоси ва кредит амалиётлари хизматининг қиймати асосий мезон бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди<sup>11</sup>. Шунингдек, муаллиф кредит нархи бозор иқтисодиёти талаблари асосида кредит маблағларига бўлган талаб ва таклифга қараб шартнома асосида белгиланиши, банк фоиз ставкаларини ўрнатишда ички ва ташқи бозорларда юзага келадиган ўртача фоиз ставкаларининг, мамлакатдаги инфляция даражаси, банк даромадлигига қараб иш тутиши лозимлигини эътироф этган.

Б.Т. Бердияров бу хусусда куйидаги фикрларни қайд этган: «...берилган кредитлар учун олинган фоизлар кредитлар бўйича даромад ҳисобланади ва фоиз ставкаси кредитнинг даромадлигини аниқлаб беради»<sup>12</sup>.

Бир томонлама ёндашганда кредит операцияларидан олинадиган даромаднинг кредит суммасига нисбати унинг даромадлигини аниқлаб беради. Лекин, кредит фоиз ставкасининг даромад келтириш даражаси қатор омиллар таъсирида шаклланади. Айнан ушбу омилларнинг кредит баҳоси шаклланишидаги ўрни муаллиф томонидан тўлиқ тадқиқ қилинмаган. Бундан ташқари, кредит фоиз ставкаси даражасига ҳам тўхталиб, кредитлар бўйича фоиз ставкаси бозор иқтисодиёти қонунлари асосида шаклланиб, кредитдан фойдаланганлик учун тўланадиган фоиз даражаси иқтисодий жиҳатдан белгиланган ўз чегараларига эга эканлигини таъкидлайди<sup>13</sup>. Фикримизча, бу ерда кредит баҳоси кредит қўйилмалари даромадлиги нуқтаи назаридан талқин қилинган. Лекин кредит баҳоси таркибида кредит фоиз ставкасидан ташқари кредит операцияларидан олиниши мумкин бўлган қўшимча даромадлар ҳам мавжудлиги ҳисобга олинмаган.

Т.М.Қоралиев фикрича, «...пул бозорида пулга бўлган талаб ва таклиф мужассамланади ва унинг замирида баҳо, яъни ссуда фоизи аниқланади»<sup>14</sup>. Олимнинг таъкидлашича ссуда фойзининг даражаси пул-кредит сиёсати инструментлари таъсири остида шаклланади яъни фоиз меъёрига таъсир кўрсатиш орқали муомаладаги пул массасига таъсир кўрсатилади. Албатта, макродаражада кредит ресурслари баҳоси шаклланишида ушбу омил ўз ўрнига эга бўлиши мумкин, лекин тижорат банкларига кредит баҳоси вужудга келишида бошқа ички омиллар мавжудки, кредитлар баҳоси шакллантирилишида уларнинг таъсирини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати орқали тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларига таъсир кўрсатиш масаласи Т.И.Бобакулов томонидан тадқиқ қилиниб, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларини кредитлаш ҳажмини ошириш ҳисобидан банк

<sup>11</sup> Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банклари кредит портфелини диверсификациялаш. И.ф.д. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент, 2000. –36 б.

<sup>12</sup> Бердияров Б.Т. Тижорат банклари активларининг даромадлиги. И.ф.н. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент, 2002. - 17 б.

<sup>13</sup> Бердияров Б.Т. Тижорат банклари активларининг даромадлиги. И.ф.н. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент, 2002. - 17 б.

<sup>14</sup> Қоралиев Т.М. ва бош. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш. – Тошкент, 2008. - 187 б.



кредитлари фоиз ставкаларининг даражасига реал таъсир этиши лозим»<sup>15</sup>, деган фикр билдирилган.

Олимнинг банклараро рақобат муҳити тўла шаклланмаган ҳозирги шароитда фақат Марказий банк ссуда капиталлари бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатига бевосита таъсир кўрсата олиши тўғрисидаги фикри муҳим амалий аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилган иқтисодчи олимларнинг кредит баҳоси хусусидаги қарашлари ва таърифларининг киёсий таҳлилига таянган ҳолда, кредит баҳоси қарз олувчи томонидан шартнома шартларига мувофиқ кредиторга маблағлардан вақтинчалик фойдалангани учун тўланадиган тўловдир, деган таъриф беришни асосланган деб ўйлаймиз.

Бошқача қилиб айтганда, кредит баҳоси таркибий жиҳатдан кредит шартномасида белгиланган кредит фоиз ставкаси ва банк томонидан белгиланган қўшимча тўловлардан ташкил топади. Кредит бўйича тўловлар кредит буюртмасини кўриб чиқиш ва кредитни расмийлаштириш учун ҳақ; кредит берганлик учун воситачилик ҳақи; кредит ҳисобварагини юритиш ва уни бошқариш учун тўлов; кредит бўйича ўтказиладиган тўловлар бўйича комисион ҳақ; мижоз мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда тўланадиган пеня каби тўловларни ўз ичига олади.

Тадқиқот натижасида кредит баҳоси ва кредит фоиз ставкаси ўртасида мавжуд бўлган куйидаги фарқли жиҳатларни аниқлашга эришилди:

– банк кредити бўйича фоиз ставкаси шартномада белгиланади ва фоиз ҳисоблаш усулларига мувофиқ ҳисобланади ҳамда шартномада белгиланган даврийлик асосида мижозлар томонидан тўланади;

– кредит баҳоси кредит бўйича фоиз ставкасидан ташқари қўшимча тўловларни ҳам ўз ичига олади, мижоз тўлайдиган барча тўловлар (фоиз ва комисион тўловлар) йиғиндиси, яъни банкнинг кредит хизматини кўрсатишдан оладиган даромадлари умумлашган ҳолда кредит баҳосида мужассамлашади.

Тижорат банкларининг кредит хизматлари бозоридаги фаоллигини ошириш ва мижозлар базасини мустаҳкамлашнинг муҳим йўналиши кредит баҳосини аниқ ҳисоб-китоблар ва таҳлил натижаларига асосланган ҳолда шакллантириш ҳисобланади. Тижорат банкларида кредит баҳосининг чуқур таҳлиллар асосида шакллантирилиши кредит операцияларининг юқори самарадорлигига эришишига ва банкларнинг кредит хизматлари бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга замин яратади.

Тижорат банкларида кредит баҳосини шакллантиришга қатор омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Банкларда кредит баҳоси даражасига жалб қилинган маблағлар баҳоси, кредит амалиёти бўйича банкнинг операция ҳаражатлари, кредит риси бўйича устама ва банкнинг маржаси таъсир кўрсатади. Шунингдек, кредит хизматларини кўрсатиш жараёнида банк ва мижоз ўртасида тузилган кредит шартномасига мувофиқ, банк томонидан

<sup>15</sup> Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 30 б.

белгиланган кўшимча тўловларни ҳам ўз ичига олади. Мазкур ёндашув бўйича кредит баҳоси ҳисобланишини куйидаги формулада ифода этамиз:

$$R = D_r + D_o + P + S + A,$$

Бу ерда:

**R** – банк кредити баҳоси;

**D<sub>r</sub>** – банкнинг жалб қилинган ресурслари баҳоси;

**D<sub>o</sub>** - тижорат банки операцион харажатлари қисми;


**P** - кредит rischi бўйича устама;

**S** - банк маржаси;

**A** - банк томонидан белгиланадиган кўшимча тўловлар.

Тижорат банкларида кредит баҳоси шаклланишига банкнинг жалб қилган ресурслари баҳоси, операцион харажатлари, жумладан, ходимларнинг иш хақи харажатлари, кредитни расмийлаштириш, ҳисобварақ очиш, кредит мониторинги, кредитлар бўйича ташкил қилиниши мумкин бўлган махсус захиралар билан боғлиқ бошқа харажатлар сезиларли таъсир этади. Шу билан бирга, тижорат банклари кредит портфели таҳлили асосида riskли тармоқлар аниқланиши ва кредит rischi бўйича устаманинг кредит баҳоси шакллантирилишида ҳисобга олинishi мақсадга мувофиқ.

Банкларда кредит баҳосини ўрганиш жараёнида унга таъсир қилувчи омиллар бўйича таснифлаш ва маълум белгиларига кўра гуруҳлаш муҳим ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида кредитлар фоиз ставкаларини таснифлашнинг ушбу ставкаларни шакллантириш омилларини ҳисобга олинган ҳолда такомиллашган варианты ишлаб чиқилди.



1-расм. Кредит фоиз ставкалари таснифланиши<sup>16</sup>

Кредит фоиз ставкалари ҳисоблаш усулига мувофиқ, оддий ва мураккаб фоиз ставкаларига бўлинади. Оддий фоиз ставкасида фоизларни ҳисоблаш асосий қарзнинг қолдиқ суммасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан мустақил тузилди.

Мураккаб фоиз ставкасида эса ҳисобланган фоизлар асосий қарз қолдиғига қўшилиб фоизлар ҳисобланади.

Тўлаш шаклига кўра фоизлар оддий ва дисконтланган шаклда бўлиб, оддий фоизларда кредит бўйича фоизларни тўлаш олинган кредитни қайтариш графигига мувофиқ амалга оширилади. Дисконтланган фоизлар эса кредит берилган вақтда ушлаб қолинади ва жадвал асосида шартномада қайд этилган муддатда асосий қарз суммаси қайтарилади.

Тижорат банки ва мижоз ўртасидаги кредит шартномасига мувофиқ, кредит фоиз ставкаси икки усулда ўрнатилиши мумкин, яъни қайд этилган фоиз ставкаси кредит шартномасига мувофиқ ўзгармайди ва бозор ставкалари ўзгариши бунда ҳисобга олинмайди. Сузувчи фоиз ставкалари банкларнинг фоиз ставкалари ўзгариши рискинни камайтириш ва уларни бошқаришда қўл келади. Тижорат банклари томонидан узоқ муддатли кредитлашда сузувчи фоиз ставкаларининг қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки тижорат банклари кредитлари кадрсизланиши, келажакда фоиз ставкалари ўзгариши натижасида юзага келувчи фоиз рисklarини бошқаришга имкон беради.

Инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда кредит фоиз ставкаларини номинал ва реал фоиз ставкаларига ажратамиз. Номинал фоиз ставкаси расмий эълон қилинадиган ва шартномаларда белгиланадиган фоиз ставкаси ҳисобланса, реал фоиз ставкасида инфляция даражаси ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2004 йил 17 декабрдаги 594-сонли «Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги низомига кўра, тижорат банклари томонидан кредит операцияларининг бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозаларига мувофиқ юритиш тартиби белгиланган. Кредитларнинг фоизларини ҳисоблаш ва уларни банк даромади сифатида тан олиш бўйича республикамиз банклари амалиётида молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозалари талабларига мос келмайдиган жиҳатлари мавжуд. Хусусан, банкларнинг факторинг операциялари бўйича ҳисобланган дисконтли даромади тижорат банкларида касса усулида ҳисобга олинмоқда, яъни ҳисобланган дисконтли даромад фақат келиб тушгандан кейингина банкнинг даромади сифатида тан олинмоқда. Унгача 11101-«Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - факторинг» - баланс ҳисобварағида дисконт суммаси таркибида ҳисобга олинади ва банклар бу суммани ўз даромади сифатида молиявий ҳисоботида ифода эта олмайди. Бу банкларнинг даромадлилик ва фойда кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Халқаро банк амалиётида эса дебитор қарздорлик сотиб олиниши билан банкларнинг молиявий ҳисоботида унинг даромади сифатида ўз ифодасини топади. Шу сабабли, банкларнинг дисконтли даромадларини тан олишда касса усулини қўллашдан кўра ҳисобга олиш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози таъсирини юмшатиш мақсадида турли мамлакатлар Марказий банклари томонидан тижорат банкларига қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан бериладиган кредитлар

ҳажмини ошириш зарурати юзага келди. Чунки қайта молиялаш кредитлари ҳажмини ошириш орқали банкларнинг ликвид ресурсларга бўлган талаби таъминланади. Бундан ташқари, қайта молиялаш ставкасининг тез-тез ўзгартирилиши ҳам Марказий банк қайта молиялаш сиёсатининг мослашувчанлик даражасини оширади. Натижада, миллий валютанинг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатилади.

1-жадвал

Баъзи мамлакатлар қайта молиялаш ставкасининг ўзгариш динамикаси<sup>17</sup>

Россия Федерацияси Марказий банки		АҚШ Федерал Захира Тизими	
Ўзгарган даври	Қайта молиялаш ставкаси, фойзда	Ўзгарган даври	Федерал фондлар ставкаси, фойзда
24 феврал 2010 й.	8,50	16 декабр 2008 й.	0,25
27 декабр 2009 й.	8,75	29 октябр 2008 й.	1,00
25 ноябр 2009 й.	9,00	9 октябр 2008 й.	1,50
30 октябр 2009 й.	9,50	1 май 2008 й.	2,00
30 сентябр 2009 й.	10,00	19 март 2008 й.	2,25
15 сентябр 2009 й.	10,50	30 январ 2008 й.	3,00
10 август 2009 й.	10,75	23 январ 2008 й.	3,50
13 июл 2009 й.	11,00	12 декабр 2007 й.	4,25
5 июн 2009 й.	11,50	1 ноябр 2007 й.	4,50
14 май 2009 й.	12,00	19 сентябр 2007 й.	4,75
24 апрел 2009 й.	12,50	29 июн 2006 й.	5,25
1 декабр 2008 й.	13,00	10 май 2006 й.	5,00
12 ноябр 2008 й.	12,00	28 март 2006 й.	4,75
14 июл 2008 й.	11,00	31 январ 2006 й.	4,50
10 июн 2008 й.	10,75	13 декабр 2005 й.	4,25
29 апрел 2008 й.	10,50	1 ноябр 2005 й.	4,00
4 феврал 2008 й.	10,25	20 сентябр 2005 й.	3,75
19 июн 2007 й.	10,00	9 август 2005 й.	3,50
29 январ 2007 й.	10,50	30 июн 2005 й.	3,25
23 октябр 2006 й.	11,00	3 май 2005 й.	3,00
26 июн 2006 й.	11,50	22 март 2005 й.	2,75
26 декабр 2005 й.	12,00	2 феврал 2005 й.	2,50
15 июн 2004 й.	13,00	14 декабр 2004 й.	2,25
15 январ 2004 й.	14,00	10 ноябр 2004 й.	2,00
21 июн 2003 й.	16,00	21 сентябр 2004 й.	1,75

1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, Россия Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси 2003 йил 21 июндан 2007 йил 19 июнгача бўлган даврда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса мазкур даврда инфляция даражасининг пасайиб бориши билан изоҳланади. Россияда инфляциянинг йиллик даражаси 2003 йилда 12 фойзга ташкил қилган бўлса, 2005 йилда 11 %, 2006 йилда 9 фойзга тенг бўлди<sup>18</sup>.

<sup>17</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланди.

<sup>18</sup> Российская экономика в 2008 году: тенденции и перспективы. ИЭПП. – Москва, 2009. – № 30. – С.36.

2007 йилда Россияда инфляциянинг йиллик даражаси 2006 йилга нисбатан 3 ф.п.га ошди. Бу эса Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси оширилишига олиб келди<sup>19</sup>. 2008 йилда Россияда инфляция босим юқорилигича қолди ва йил охирига келиб, инфляциянинг йиллик даражаси 13,3 фоизни ташкил қилди. Натижада Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражасини 13 % қилиб белгилашга мажбур бўлди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Россия банкларининг ликвидлигига жиддий путур етказди ва Марказий банк марказлашган кредитлар орқали тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш учун қайта молиялаш ставкасини пасайтирди. 2008 йил декабрдан 2009 йил декабргача бўлган даврда Россия Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси 4,25 ф.п.га пасайди.

2001–2003 йилларда АҚШда дефляция муаммоси юзага келди. Бунинг асосий сабабларидан бири ички талабни рағбатлантиришга қаратилган сиёсатнинг олиб борилганлиги ҳисобланади. 2004 йилдан бошлаб, ФЗТ ҳисоб ставкасини ошириш сиёсатини қўллаб бошлади. 2006 йил 29 июнда ҳисоб ставкаси ўзининг энг юқори даражасига етиб, 5,25 фоизни ташкил қилди.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози АҚШ тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўловга қобиллигига жиддий путур етказди. Уларни оғир молиявий аҳволдан қутқариш учун ҳукумат томонидан тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш сиёсати юритилди. Ушбу сиёсат ФЗТнинг арзон марказлашган кредитлар бериш сиёсати орқали қўллаб-қувватланди. Натижада, 2008 йилнинг 26 декабридан бошлаб, ФЗТ нинг ҳисоб ставкаси 0,25 % қилиб белгиланди.


Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Марказий банк қайта молиялаш сиёсатидан самарали фойдаланиши лозим. Чунки тижорат банкларини қайта молиялаш орқали уларнинг қўшимча молиявий ресурсларга бўлган талаби қондирилади ва банк кредитлари фоиз ставкаларининг барқарорлиги таъминланади. Натижада, тижорат банкларининг иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш имкониятлари кенгайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатлари таъсирининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилганлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг ўзгармасдан 14 фоизда сақланиб қолинишини таъминлади. Айни пайтда Марказий банк қайта молиялаш кредитлари ҳажми ва қайта молиялаш ставкасининг мослашувчанлик даражасини ошириш йўли билан фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлашга эътибор қаратилганлиги ҳам пул-кредит сиёсатининг самарали олиб борилишига замин яратмоқда.

Тадқиқот ишини бажариш жараёнида тижорат банкларида кредит баҳоси шаклланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш бўйича анкета сўровномалари ўтказилди.

<sup>19</sup> Российская экономика в 2008 году: тенденции и перспективы. ИЭПП. – Москва, 2009. - № 30. – С.36.

Сўровнома Ўзбекистон Республикаси йирик тижорат банклари кредит бўлимида фаолият юритаётган 100 дан ортиқ етук мутахассислар иштирокида ўтказилди. Банкларда кредит баҳоси шаклланишига таъсир қилувчи омиллар даражаси Дельфи усули орқали баҳоланди<sup>20</sup>. Ушбу сўровномани ўтказиш жараёнида таъсири энг юқори бўлган омилга юқори ранг, паст таъсир қилувчи омилга энг паст ранг берилди.



- |   |  |
|---|--|
| X1–тижорат банкнинг фоиз сиёсати.                       | X6–мамлакатда рақобатчи банклар таклифи ва кредитга бўлган талаб.                          |
| X2–кредитнинг муддати, миқдори ва валютаси.             | X7–банкнинг ресурс манбалари ва уларнинг баҳоси.   |
| X3–мижознинг кредит тарихи ва банк билан муносабатлари. | X8–Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати (қайта молиялаш, мажбурий захира, валюта сиёсати). |
| X4–кредит таъминоти манбалари ва унинг сифати.          | X9–мижознинг молиявий ҳолати, кредит мақсади ва лойиҳа rischi даражаси.                    |
| X5–мамлакатдаги инфляция даражаси.                      | X10–бошқа омиллар.   |

**2-расм. Тижорат банкларида кредит баҳоси шаклланишига таъсир қилувчи омилларни Дельфи усули орқали аниқлаш<sup>21</sup>**

Сўров маълумотларини чуқур таҳлил қилиш орқали банкларда кредит баҳоси шаклланишига мижознинг молиявий аҳволи, кредит мақсади ва лойиҳа rischi даражаси 811, банк жалб қилган ресурслар ва уларнинг баҳоси 792, Марказий банк пул-кредит сиёсати 719 ранги аниқланди. Тижорат банкларида кредит баҳосининг шаклланишига банкнинг фоиз сиёсати, кредитларни бериш ва қайтариш тартиби, кредитлаш усуллари ва унинг даврийлиги ҳам ўз таъсирига эга.

Молиявий-иқтисодий инқирознинг миллий иқтисодиётга таъсирининг олдини олишга қаратилган ислохотлар тижорат банкларининг хўжалик субъектларини узоқ муддатли кредитлаш бўйича ресурс базасини ошириш ва аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этишни кенгайтириш чора-тадбирлари банкларнинг фоиз сиёсатига ўз таъсирини кўрсатди.

<sup>20</sup> Дельфи усули орқали эксперт сўровномаларини баҳолашни компьютер дастури ишлаб чиқилган. Дастур муаллифлари. Зияев М.К., Мирзаев Ф.И. ва Маханов К.С.

<sup>21</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланди.

Тижорат банкларининг кредитлари улушини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 69 фоизга етди ва сўнгги ўн йилда 28 баробар кўпайди<sup>22</sup>.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари амалиётида кредитлар баҳоси шаклланишига таъсир қилувчи омилларнинг ўзгаришини қуйидаги 2-жадвалда келтириб ўтамиз.

**2-жадвал**  
**Кредит баҳосига таъсир қилувчи омиллар ўзгариши<sup>23</sup>**

№	Кўрсаткичлар	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2009 йилда 2004 йилга нисбатан ўзгариши
1.	Тижорат банклари кредит қўйилмалари, млрд.сўмда	3409,8	3853,3	4104,	4757,4	6372	8558	2,5 марта
2.	Марказий банк қайта молиялаш ставкаси, ўртача йиллик ставкаси, %	18,8	16,0	14,0	14,0	14,0	14,0	-4,8 ф.п.
3.	Марказий банкнинг сўмдаги мажбурий захира талаблари ўртача йиллик ставкаси, %	18	15	15	13	15	15	-3,0 ф.п.
4.	Инфляциянинг йиллик даражаси, %	3,7	7,8	6,8	6,8	7,8	7,4	3,7 ф.п.
5.	Даромад (фойда) солиғи ставкаси, %	15	12	10	10	10	10	-5,0 ф.п.
6.	Тижорат банклари умумий капиталининг ўзгариши, млрд. сўмда	824,1	930,9	1070,1	1502,6	2104,3	3010	3,7 марта
7.	Жалб қилинган депозитлар ҳажми, млрд.сўм	1272,2	1688,7	2544,5	3829,2	5771,6	8703	6,8 марта
8.	Сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси	1058,0	1180,0	1240,0	1291,2	1393	1511,4	1,4 марта
9.	Кредитлар бўйича ўртача тортилган йиллик фойза ставкаси, %	21,5	19,4	17,8	16,3	16,4	15,9	-5,6 ф.п.

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, қайта молиялаш ставкасининг 2004 йилга нисбатан 4,8 ф.п.га пасайганлиги ва жалб қилинган депозитлар ҳажмининг 6,8 марта ошганлиги тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажмини оширди. Бу, ўз навбатида, тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар фойза ставкаларининг пасайишига олиб келди.

Тижорат банкларининг капиталлашув бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида банкларнинг умумий капитали 2004 йилга нисбатан 3,7 марта ошиб, 2010 йил бошига 3010 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса

<sup>22</sup> Каримов И.А. Асосий вазирамиз – ватанмиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – Б.57.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, Марказий банки ва «Ўзбекистон иқтисодиёти» ахборот-таҳлилий шарҳи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

тижорат банклари кредит таклифининг ошишига замин яратиб, кредит баҳоси пасайишини таъминлади.

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан тақдим этилган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши кредит кўйилмалари ҳажмининг ўсиши билан ўзаро боғлиқлигини кўришимиз мумкин. 2004 йилга нисбатан кредит бўйича фоиз ставкаларининг 5,9 ф.п.га пасайиши ҳисобига кредит кўйилмалари ҳажми 2,5 марта ошган. Аммо кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўртасида ўзаро боғлиқлик даражаси паст даражада эканлигини кузатиш мумкин. Хусусан, 2006-2009 йилларда қайта молиялаш ставкаси ўзгармаган ҳолатда тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг пасайиш тенденцияси кузатилган.

Таҳлил даврида инфляция даражаси 2004 йилга нисбатан 2009 йилда 3,7 ф.п.га ошганлигини кўриш мумкин. 2009 йилда эса, инфляция даражаси 7,4 фоизни ташкил этиб, ўтган 2008 йилга нисбатан 0,4 ф.п.га пасайди ҳамда мамлакатда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва тижорат банкларида фоиз ставкалари пасайишига имкон яратди.

Тадқиқот ишида тижорат банкларининг соф фоизли маржа кўрсаткичлари ҳам таҳлилий жиҳатдан ўрганилди. Ушбу таҳлил тижорат банклари фаолияти самарадорлигини ошириш, ликвидлигини таъминлаш, молиявий ресурслар жалб қилиш ва уларни жойлаштириш борасидаги стратегиясини ишлаб чиқиш ва улар фаолияти натижаларини баҳолашда катта аҳамиятга эга.

3-жадвал

**Тижорат банклари соф фоизли маржа кўрсаткичининг ўзгариши<sup>24</sup>**

№	Банклар	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	(фоиз ҳисобида)
								2009 йилда 2004 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
1.	ОАТ «Агробанк»	7,3	8,3	4,4	4,3	4,2	5,3	-2
2.	ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»	10,0	7,5	6,8	8,1	7,3	6,9	-3,1
3.	ОАТ «Алоқа банк»	10,2	6,2	8,5	7,6	6,7	8,1	-2,1

3-жадвал маълумотларидан тижорат банкларининг 2004-2009 йилларда соф фоизли маржа кўрсаткичлари пасайиш тенденциясига эгаллиги ва беқарорлигини кўриш мумкин. Таҳлил даврида ОАТ «Агробанк»нинг соф фоизли маржа кўрсаткичи 2004 йилга нисбатан 2 ф.п.га пасайиб, 2009 йилда 5,3 фоизни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»да ҳам пасайиш тенденциясига эгаллиги кузатилган. Таҳлил даврида ОАТ «Алоқабанк»нинг соф фоизли маржа кўрсаткичиз 2007-2008 йилларга нисбатан ошиб, 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этган. Тижорат банкларининг

<sup>24</sup> ОАТ «Агробанк», ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ва ОАТ «Алоқабанк»нинг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



фоиз маржаси кўрсаткичлари халқаро амалиётда тавсия этилган кўрсаткичлар меъёридан юқори бўлиши банклар фаолиятида фоиз ставкалари ўзгариши рискининг юқори бўлишига олиб келади.

Тижорат банкларида фоизли даромадлари ўсиши фоизли харажатларнинг ўсиш даражасидан юқори бўлиши ижобий ҳолат бўлиб, банклар фаолиятида уни таъминлаб бориши зарур. Бу эса банкларнинг юқори фойда олиши билан бирга ликвидлиги ва тўловга лаёқатлилигини таъминлашга хизмат қилади.

## ХУЛОСА

Диссертацион тадқиқот ишини бажариш жараёнида кредит баҳосини шакллантириш бўйича амалга оширилган таҳлиллар жараёнида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

1. Кредит баҳосининг назарий-услубий асосларини талқин қилиш кредит баҳоси кредит фоизидан фарқ қилиб, қуйидаги таркибий қисмларни (тўловларни) ўзида мужассамлаштиришини кўрсатди, булар:

– кредит буюртмасини кўриб чиқиш ва уни расмийлаштириш учун тўлов;

– кредит берганлик учун бир марталик воситачилик ҳақи;

– кредит ҳисобварағини юритиш ва уни бошқариш учун тўлов;

– кредит бўйича ўтказиладиган тўловлар бўйича комисион тўлов;

– мижоз мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда тўланадиган пеня каби тўловлар.

2. Тижорат банкларида кредит баҳоси шаклланиши бўйича хорижий банк амалиётини ўрганиш натижасида:

– хорижий банк амалиётида қўлланиладиган моделларнинг афзаллик ва камчиликлари аниқланди;

– банкларда кредитлар баҳосининг шаклланишида риск устамасини ҳисобга олишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди.

3. Тижорат банкларида кредит баҳоси шаклланишига таъсир қилувчи ташқи омиллар таҳлили шундан далолат берадики, яъни:

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш сиёсатининг тижорат банкларида кредит баҳоси шаклланишига таъсирчанлиги паст;

– тижорат банклари капиталлашув даражасининг оширилиши кредит таклифи ва кредит қўйилмаларининг ҳажми барқарор ошишига хизмат қилмоқда.

4. Республика тижорат банклари амалиётида кредит баҳосининг шаклланиши кредит сиёсатида баён этилади. Аммо кредитлаш жараёнида юзага келадиган кредит rischi бўйича устама ҳисобга олинмайди. Ушбу омил ҳам, ўз навбатида, тижорат банкларида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимларида камчиликлар мавжудлигидан далолат беради. Банкларда кредит тўловига лаёқатлилик кўрсаткичларини мижозлар тоифаси ва тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш мақсадга мувофиқ.

5. Тижорат банклари кредитлаш амалиётида мижозларнинг кредит тарихи ва банк билан муносабатлари эътибордан четда қолмоқда. Мижозларнинг илгари ўз мажбуриятларини қай даражада бажара олганлиги, мажбуриятлар бажарилиши ва тўлов интизомига риоя қилиниши кредитлар баҳосини шакллантиришда ҳисобга олиниши лозим.

6. Тижорат банкларида кредит баҳоси шаклланишига таъсир қилувчи омиллар эксперт баҳоланиши Дельфи усули орқали баҳоланди ва унга асосан кредит рисқи даражаси, банк ресурслари қиймати, Марказий банк пул-кредит сиёсати кредит баҳосига таъсир этувчи асосий омиллар эканлиги аниқланди.

7. Тижорат банклари харажатлари таҳлили асосида умумий харажатлар таркибида фоизли харажатлар, ходимларга иш ҳақи харажатлари ва солиқлар юқори салмоққа эгалиги аниқланди.

8. Тижорат банкларининг кредитлардан олинган фоиз даромадларининг ялпи даромадлардаги улуши «Агробанк» ва «Қишлоқ қурилиш банк» ларида ўсиш тенденциясига эга бўлиши ижобий ҳолат эканлиги аниқланди.

Тадқиқот ишини бажариш жараёнида олиб борилган таҳлиллар ва изланишлар натижасида кредит баҳосининг шаклланиш услубини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тижорат банкларида кредит баҳосини шакллантиришнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш натижасида кредит баҳоси ва кредит фоизи тушунчаларининг бир-бирдан фарқ қилувчи жиҳатлари аниқланди.

2. Тижорат банкларининг кредит операциялари бўйича олиннадиган дисконтли даромадларини ҳисоблашда касса усулига нисбатан ҳисоблаш усулини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди ва амалиётда қўллаш учун тавсия этилди.

3. Банкнинг фоиз маржаси ва бериладиган кредитлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган барча рискларни қоплаш имкониятини ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларида асосланган кредит баҳосини шакллантириш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

4. Тижорат банкларининг жисмоний шахсларга берилган кредитлари бўйича фоиз ставкалари ижобий даражасини таъминлаш тақлифи ишлаб чиқилди ва асослаб берилди.

5. Тижорат банкларида кредит фоиз ставкаларини мижозлар тоифалари ва кредитлаш усулларига мувофиқ шакллантиришни банкнинг кредит сиёсатида акс эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди.

6. Марказий банк қайта молиялаш сиёсати эластиклигини ошириш ва марказлашган кредитлар ҳажмини кўпайтириш орқали тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари даражасига таъсир этиши тавсия этилган.

7. Тижорат банкларида кредит фоиз ставкаларининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

Фикримизча, юқоридаги билдирилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар тижорат банкларида кредит баҳоси шаклланишини такомиллаштиришда ўз самарасини беради.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Куллиев И., Раҳмонов Т. Ўзбекистонда траст операцияларини ривожлантириш истиқболлари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006. - № 3. - Б. 15-17.
2. Куллиев И. Кредитлар учун фоиз ва уларнинг шаклланиши // Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари: республика анъанавий илмий - амалий конференцияси тезислари тўплами. – Тошкент, 2006. - Б. 138-139.
3. Абдуллаева Ш., Куллиев И. Марказий банкнинг фоиз ставкаларнинг шаклланишидаги роли // Развитие розничного банковского бизнеса. Материалы международной научно-практической конференции. – Ташкент, 2007. - Б. 215-217.
4. Қоралиев Т., Куллиев И. Тижорат банклари кредит операциялари самарадорлигини ошириш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007. - № 12. - Б. 14-16.
5. Абдуллаева Ш., Куллиев И. Ўзбекистон банк амалиётида ички банк назорати ва унинг аҳамияти. // Дальнейшее углубление реформ в банковско-финансовой системе Узбекистана: материалы международной научно-практической конференции. – Москва, 2007.– С.189-193.
6. Куллиев И. Тижорат банкларининг кредит операциялари бўйича фоиз сиёсати ва уларни такомиллаштириш масалалари // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане: материалы международной научно-практической конференции. – Москва, 2008. - С. 293-295.
7. Куллиев И. Ўзбекистонда банклараро кредит бозорлари ва уни ривожлантириш // Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики. Сборник научных трудов. – Москва, 2008. – С. 274-275.
8. Куллиев И. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тижорат банклари кредит сиёсатини такомиллаштириш масалалари // Хўжалик алоқаларининг глобаллашуви шароитида иқтисодиётни модернизациялаш хусусиятлари: халқаро, миллий ва минтақавий муаммолар мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2008. – Б. 127-129.
9. Куллиев И., Толибов Ж. Тижорат банкларида кредит рискларини бошқариш масалалари // Банк тизимини такомиллаштириш ва тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш: республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 415-416.
10. Куллиев И. Кредит хизматлари бўйича баҳо сиёсати ва уни такомиллаштириш // Биржа эксперт. – Тошкент, 2010. - № 1. - Б. 15-17.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Қуллиев Истам Янгимуродовичнинг 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича «Кредит баҳосининг шаклланиши ва уни такомиллаштириш» мавзусидаги диссертациясининг**

## **РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** кредит, депозит, кредит баҳоси, фоиз ставкаси, риск, қайта молиялаш ставкаси, кредит шартномаси, кредит сиёсати, кредит тарихи, кредит линияси, харажат, самарадорлик, гаров объекти, спрэд, фоиз сиёсати.

**Тадқиқот объектлари:** Ўзбекистон Республикаси йирик тижорат банклари.

**Тадқиқот мақсади:** иқтисодий эркинлаштириш шароитида тижорат банкларида кредит баҳосини шакллантириш ва уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** гуруҳлаш, таркибий ва қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув ва эксперт баҳолаш усуллари.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** тижорат банкларининг кредит операциялари бўйича олинган дисконтли даромадларини аниқлашда ҳисоблаш усулининг афзалликларга эгаллиги аниқланди; Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кредит баҳосини шакллантирувчи омиллар эксперт баҳолашнинг Дельфи усули орқали баҳоланди; республикада тижорат банклари кредитлари фоиз ставкалари ўзгаришининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди; тижорат банкларининг жисмоний шахсларга берилган кредитлари фоиз ставкаларининг ижобий даражасини таъминлаш таклифи асосланди; тижорат банкларида миқдорлар турлари ва кредитлаш усуллари мuvoфиқ кредит баҳосини шакллантириш тавсия этилди.

**Амалий аҳамияти:** илмий тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар республикада тижорат банкларининг кредит баҳосини шакллантириш амалиёти ва уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлари ишлаб чиқилишида қўлланилиши мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** диссертациядаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банку» томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган. Диссертация материалларидан олий ўқув юртлирида «Банк иши», «Пул, кредит ва банклар» ва «Кредит механизми ва унинг элементлари» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш соҳаси:** Марказий банк, тижорат банклари, олий ўқув юртлири.

## **РЕЗЮМЕ**

**диссертации Куллиева Истама Янгимуродовича на тему:  
«Формирование цены кредита и его совершенствование» на соискание  
ученой степени кандидата экономических наук по специальности  
08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит»**

**Ключевые слова:** кредит, депозит, цена кредита, процентная ставка, риск, ставка рефинансирования, кредитный договор, кредитная политика, кредитная история, кредитная линия, расход, эффективность, объект залога, спрэд, процентная политика.

**Объекты исследования:** крупные коммерческие банки Республики Узбекистан.

**Цель работы:** разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на формирование цены кредита и его совершенствование в коммерческих банках в условиях либерализации экономики.

**Методы исследования:** методы группировки, структурный и сравнительный анализ, индукция и дедукция, системный подход и экспертная оценка.

**Полученные результаты и их новизна:** выявлены преимущества методов расчета при определении дисконтных доходов по кредитным операциям коммерческих банков; определены факторы формирования цены кредита в коммерческих банках Республики Узбекистан при помощи метода экспертной оценки Дельфи; разработаны прогнозные показатели изменения процентных ставок по кредитам в коммерческих банках республики; обосновано предложение обеспечения положительной степени процентных ставок по кредитам коммерческих банков физическим лицам; предложена рекомендация по формированию цены кредита согласно типа клиента и способа кредитования в коммерческом банке.

**Практическая значимость:** предложения и рекомендации диссертации могут быть использованы при разработке практики формирования цены кредита и его совершенствования коммерческими банками республики.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** разработанные в диссертации научные предложения и практические рекомендации приняты к внедрению ОАКБ «Кишлок курилиш банк»ом Республики Узбекистан. Материалы диссертации можно использовать в совершенствовании учебной программы и преподавании курсов «Банковское дело», «Деньги, кредит и банки» и «Кредитный механизм и его элементы» в высших учебных заведениях.

**Область применения:** Центральный банк, коммерческие банки, высшие учебные заведения.

## RESUME

**Thesis of Kulliev Istam Yangimurodovich  
on the scientific degree of the candidate of economic sciences  
on specialty 08.00.07-«Finance, monetary circulation and credit»,  
subject: «The formation of the credit price and its improvement»**

**Key words:** credit, deposit, credit price, interest rate, risk, refinancing rate, credit agreement, credit policy, credit history, credit line, expenditure, efficiency, pledged object, spread, interest rate policy.

**Subjects of the research:** major commercial banks of the Republic of Uzbekistan.

**Purpose of work:** to develop scientific proposals and practical recommendations on the improvement and the formation of credit price in the commercial banks on condition of liberalization economy.

**Methods of research:** classification, structural and comparative analysis, induction and deduction, systematic approach and methods expert judgement.

**The results obtained and their novelty:** It has been found out the importance of calculations methods in determining the discount revenues of credit operation of commercial banks; It has been evaluated the factors of credit cost in Uzbekistan's commercial banks by expert assessment methods of Delphy; It has been worked out the future forecast indicators of the dynamical changes in rates of commercial banks of Uzbekistan; It has been justified the proposal about sustaining the positive value of credit rate provided to individual; It has been justified the proposal about forming the credit cost based on costumed type and crediting message.

**Practical value:** the scientific proposals and practical recommendations can be used in the practice of credit price formation and its development of measures in the commercial banks in the republic.

**Degree of embed and economic affectivity:** the scientific proposals and practical recommendations of the dissertation enquiry were accepted by the «Kishlok Kurilish Bank» Open Joint-Stock commercial bank of the Republic of Uzbekistan to be applied in its practice, materials of the dissertation can be used in teaching the subjects «Banking», «Money, credit and banks» and «Credit mechanism and its elements» in higher educational institutions.

**Field of application:** Central Bank, commercial banks, higher educational institutions.

Тадқиқотчи:



<b>Босишга рухсат этилди</b>	<b>15.04.2010</b>
<b>Қоғоз бичими</b>	<b>30x42</b>
<b>Ҳисоб-нашр табоғи</b>	<b>1,5 б.т.</b>
<b>Адади</b>	<b>100</b>
<b>Буюртма</b>	<b>№ 55</b>

**Тошкент Молия институтини босмахонасида  
ризография усулида чоп этилди. 100000, Тошкент  
Амур Темур шох кўчаси, 60<sup>А</sup>-уй**